

Бундан буён “Буюртмачи” (харидор) деб аталувчи Улуғнор туман МТБ номидан низом асосида фаолият олиб борувчи мудир Г.Ғаффорова бир томондан ва бундан буён «Етказиб берувчи» (бажарувчи) деб аталувчи «Андижон лаззати» МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб борувчи директори И.Назиров бошқа томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан «Етказиб берувчи» ўзига тегишли товарларни қуйидаги шартларга мувофиқ “Буюртмачи” га мулк қилиб топшириш, “Буюртмачи” эса товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи (сўмда)	Умумий қиймати (суммаси сўмда)
1	Гуруч	кг	3710	10000	37100000
2	Савзи	Кг	7490	2400	17976000
	<b>Жами</b>				<b>55 076 000</b>

1.2. Шартноманинг умумий баҳоси ҚҚС билан **55 076 000** ( эллик беш миллион ётмиш олти минг ) сўмни ташкил қилади

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 20 календар куни ичида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сонли қарорига 1.1 банд қушилиши белгиланган ва тўловлар кетма-кетлигига амал қилган ҳолда шартнома умумий суммасидан 30 % кам бўлмаган миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, тўловни қолган 70% ни 30 календар куни ичида юк хати (қабул қилиш-топшириш далолатномаси), ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

2.2. “Етказиб берувчи” ўзининг тегишли ҳисобварағига аванс маблағлари келиб тушган вақтдан бошлаб 10 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманоманда) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. “Буюртмачи” нинг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. “Етказиб берувчи” томонидан етказиб берилган товарлар “Буюртмачи” нинг масъул ходимлари томонидан бевосита юк хати (фактура) да кўрсатилган товарларнинг миқдори ва унинг сифати бўйича қабул қилинади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1. “Буюртмачи” нинг ҳуқуқлари:

“Етказиб берувчи” дан Шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

“Буюртмачи” ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, “Етказиб берувчи” дан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

“Етказиб берувчи” дан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартараф этиш;

- “Етказиб берувчи” дан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

#### 3.2 “Буюртмачи” нинг мажбуриятлари:

- шартнома имзолангандан сўнг 3 кундан кечиктирмай молля (ғазна) рўйхатига киритиш;

- мазкур шартномага мувофиқ истеъмол кунидан 5 кун аввал ўзининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда истеъмол товарлари учун буюртманомани “Етказиб берувчи” га тақдим қилиш;

- “Буюртмачи” томонидан истеъмол товарлари учун буюртманомани кейинги бир ой учун аввалги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай “Етказиб берувчи” га тақдим қилиш ва жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

#### 3.3. “Етказиб берувчи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Буюртмачи” дан олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- “Буюртмачи” дан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

#### 3.4. “Етказиб берувчи” нинг мажбуриятлари:

- “Буюртмачи” га товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида “Етказиб берувчи” шартнома шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда “Буюртмачи” нинг талаби бўйича 3 кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

#### 4.1. “Буюртмачи”:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар ғолиби бўлган “Етказиб берувчи” билан шартнома тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган “Етказиб берувчи” билан шартнома тузишни рад этиш муддатида рияз этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек “Етказиб берувчи” шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи “Етказиб берувчи” га танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, “Етказиб берувчи” жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи “Етказиб берувчи” га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

#### 4.4. “Етказиб берувчи”:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича “Етказиб берувчи” буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги.

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, “Буюртмачи” товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, “Етказиб берувчи” дан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима “Етказиб берувчи” дан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар “Етказиб берувчи” “Буюртмачи” га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун “Етказиб берувчи” “Буюртмачи” га бундай товарлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда “Буюртмачи” жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин “Етказиб берувчи” ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги “Етказиб берувчи” дан товарларни ўраб бериш ёки идишга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судда кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат маънафатларини кўзга олганда экспорт ва импортнинг таъқиқлари ва бошқалар) сабабли

юзаса келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар кирати.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

### **7.КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЧОРАҒТАДБИРЛАР**

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинганига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

### **8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, ҳудудий ғазначилик бўйинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб кўчга кирати ва 2022 йил “31” декабргача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

### **9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:**

Етказиб берувчи

Буюртмачи

«Анджон лаззати» МЧЖ

Манзили: Шахрихон туман, Қайроғочгузар МФЙ

Траст банк Андижон вилояти филиали,  
МФО: 01074

ИНН- 305 774 039 ХХТУТ коди

Х/Р 70519891001 705198911001

Телефон: +998993740030

Раъвоф (директор)

И.Назиров



Улугнор туман Мактабгача таълим бўлими

Манзили: Улугнор туман Бобур МФЙ

ИНН: 305155744 ОКЭД: 92400

ШХВ \*10002286003217409110251016  
Ўзбекистон Республикаси МВ Ғазначилиғи

Х/Р 23402000300100001010

ИНН 201122019


МФО: 0001-4МБ в РКЦ Главного управления ЦБ РУз

Г.Гафорова

(ИМЗО)



Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.  
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR  
Code ni skanerlang.



Imzolovchi F.I.SH.

GUZALXON G'AFFOROVA  
OLIMJONOVNA

Imzolangan sana

08.11.2022 12:08

Hujjat kodi

SD72306507

Hulosa kodi

KF5405124154


**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

KF5405124154

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **MAHSULOT YETKAZIB BERISH SHARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Ulug'nor tumani maktabgacha ta'lim bulimi tomonidan 07.11.2022 yilda kiritilgan.


Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Ulug'nor tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:



**M.SH.TOJIBOYEV**

07.11.2022



Улуг'нор Дехкон бозорида сотилаётган Кишлоқ хужалик ва озик - овқат  
маҳсулотларининг уртача нархлари тугрисида  
2022 йил 04 ноябрь ҳолатига

### Маълумотнома.

№	Маҳсуло номи	Улчов бирлиги	Нархи (сум )
1	Мол гушти	кг	70000
2	Гуруч	кг	12000
3	Катик	литр( 0,5)	5000
4	Сметана	кг	14000
5	Саригёк( 82,5%)	кг	55000
6	Тухум	дона	1500
7	Дрожь ( прессланган 0,5 )	кг	37000
8	Сабзи	кг	3500
9	Пиёз	кг	5000
10	Картошка	кг	4500
11	Карам	кг	5000
12	Помидор	кг	14000
13	Бодринг	кг	14000
14	Канд	кг	30000
15	Саримсок	кг	35000
16	Кукатлар	боғ	2000
17	Козок уни	кг	7000
18	Томат	кг	34000
19	Пахта ёғи	литр	21000
20	Шакар	кг	16000
21	Павидьло	кг	15000
22	Манний ёрмаси	кг	10500
23	Перловка	кг	9000
24	Макарон	кг	9000
25	Пиццлок	кг	29000
26	Чой ( Кук )	кг	22000
27	Чой ( Кора )	кг	28000
28	Булгор калампир	кг	10000
29	Кизил лавлаги	кг	5000
30	Ош тузи	кг	1200
31	Товук Гушти	кг	31000
32	Гречка	кг	18500
33	Нон сода	пачка	5000
34	Нухат ёрмаси	кг	10000
35	Мош	кг	18000
36	Ловия	кг	16000
37	Олма	кг	10000
38	Банан	кг	26000
39	Ошқовок	кг	5000
40	Шолтом	кг	5000
41	Туруп	кг	5000

Улуг'нор тумани Дехкон бозори  
МЧЖ раҳбари

К. Исмоилов.